

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**666** Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузурида Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 23 майдаги ПҚ–1971-сон қарорига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузурида Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 23 майдаги ПҚ–1971-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузурида давлат таълим муассасаси шаклида Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

узлуксиз таълимнинг барча турларида чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган чуқур илмий изланишлар олиб бориш, чет тилларни ўқитиш соҳасида норматив ва амал қилинувчи ҳужжатларни такомиллаштириш;

чет тиллар бўйича ўқитувчилар ва мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятига, бошқа манфаатдор муассасаларга тилларни ўқитишнинг замонавий шакллари ва усулларини, чет тилларни ўрганишнинг илғор педагогика технологияларини амалда жорий этиш масалалари бўйича методик раҳбарликни таъминлаш;

жумладан ўқитишнинг масофадан амалга ошириладиган усулларидан фойдаланган ҳолда чет тиллари бўйича замонавий савияли педагог кадрлар, методик ходимлар ва таржимонлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

чет тилларга ўқитишнинг халқаро стандартларини («Хорижий тилларни эгаллашнинг умумевропа компетенцияси» тизими: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш» (CEFR)) таълим жараёнига жорий этиш бўйича мониторинг олиб бориш, ушбу соҳадаги энг яхши тажрибани умумлаштириш ва унинг асосида манфаатдор таълим муассасалари учун тегишли тавсиялар ва қўлланмалар ишлаб чиқиш;

Билимлар даражасини баҳолаш ва сертификациялашнинг миллий тизimini шакллантириш ва жорий этишда қатнашиш, халқаро ва миллий стан-

дартларга мувофиқ ўқувчилар, педагог кадрлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг чет тилини билиши даражасини тест синовидан ўтказиш ва сертификациялаш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

чет тилларни ўрганишнинг масофадан амалга ошириладиган шакллари-ни ташкил этиш билан чет тилларни ўқитишнинг интерактив воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда турли медиатаълим махсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни аҳолига сотиш, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида чет тилларни ўрганишни оммавийлаштиришга йўналтирилган махсус интерактив веб-лойдҳалар яратиш;

мамлакатда узлуксиз таълим тизими учун ишлаб чиқиладиган чет тиллар бўйича янги авлод ўқув режалари ва дастурлари, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар, чет тили ўқитувчилари учун ўқув қўлланмаларининг, зарурият бўлганда, халқаро маслаҳатчилар иштирокида етакчи ўқитувчилар ва муаллимлар ўртасида эксперимент тартибида синовдан ўтказилишини ташкил этиш, шунингдек бошқа муаллифлар жамоалари ва таълимнинг тегишли тури мутахассислари билан биргаликда уларни ишлаб чиқишда қатнашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан биргаликда 2014 йил 1 январгача:

Марказни асосан хорижий таълим ва илмий муассасаларда маълумот олган ҳамда кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида катта иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали илмий-педагог кадрлар билан бутлашни, дарсликлар ва ўқитишнинг мультимедиа воситалари ишлаб чиқишлигини таъминласин;

Марказга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда унинг фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин;

Ташки ишлар вазирлиги ва хорижий ташкилотлар билан биргаликда чет тилларни ўқитиш соҳасида Марказ фаолияти доирасида ҳамкорлик ва тажриба алмашиш борасида халқаро экспертлар ва маслаҳатчилар жалб этилиши масаласини ишлаб чиқсин;

Марказни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига замонавий компьютерлар ва мультимедиа асбоб-ускуналари, мебель ва инвентарлар, шунингдек ўқитишнинг бошқа воситалари, шу жумладан ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

4. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Марказни ва унинг мутахассисларини чет тиллар бўйича ишлаб чиқиладиган дарсликларни, энг аввало, умумтаълим мактабларининг 1 — 4-синфлари учун дарсликларни яратиш, экспертизадан ва синовдан ўтказишга жалб этсин.

5. Белгилансинки, Марказ олий таълим муассасаларининг, энг аввало, ихтисосли олий таълим муассасаларининг, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими бошқарувининг ҳудудий органлари ҳамда педагог

кадрлар малакасини ошириш муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари ва методистларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг тармоқ маркази ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги малака ошириш тартибини, шунингдек 2014 — 2016 йиллар даврида кўрсатиб ўтилган ходимларнинг малакасини ошириш жадвалини икки ой муддатда тасдиқласинлар.

6. Қўйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Марказнинг жорий таъминоти, унга юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришга доир тadbирларни амалга ошириш, Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича Марказга ажратиладиган грант маблағлари;

халқаро ташкилотларнинг хайрия эҳсонлари, грантлари;

хўжалик фаолиятдан олинган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан олинган маблағлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартларини тасдиқласин, Марказнинг илмий ва раҳбар ходимлари лавозим маошларини бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг давлат илмий-техник дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари базавий лавозим маошлари миқдорларига тенглаштиришни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети:

бир ой муддатда ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Марказнинг уставига ўзгартиришлар киритилишини таъминласинлар;

Марказни Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9а, 21-уй манзили бўйича нул ставкали ижара тўлови билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг биносига жойлаштирсинлар.

9. Республиканинг олий таълим муассасаларига тилларни ўқитишнинг замонавий шакллари ва усулларини, чет тилларни ўрганишнинг илғор педагогика технологияларини амалда жорий этиш учун Марказнинг мутахассислари ва экспертларини меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари билан жалб этиш тавсия қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Марказнинг таъминотига зарур маблағларни 2013 йилда ажратсин, 2014 йилдан бошлаб эса «Таълим» соҳасига ажратиладиган маблағлар дои-

666-667-моддалар

— 44 —

51 (603)-сон

расида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин;

Марказга битта хизмат енгил автомобилни сақлаш учун лимит ажратсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 17 декабрь,
331-сон